

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2021 йил июль ойининг 1 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида,
судья Т.Туракуловнинг раислигида,
судья ёрдамчиси С.Исмаиловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Х.Турсунов, судланувчи А.Талипов ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат М.Усманов ҳамда жабрланувчи Ш.Касимов ва У.Қосимовнинг иштирокида, Талипов Абдурахмон Кучкаровичга оид 1-1007-2103/154-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Талипов Абдурахмон Кучкарович (Talipov Abdurahmon Kuchkarovich), 1966 йил 25 декабрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, ногиронлиги йўқ, давлат мукофотлари олмаган, депутатликка сайланмаган, вақтинчалик ишсиз, муқаддам; жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 2011 йил 6 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,189-моддаси 2-қисми “б” банди билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2012 йил 19 январдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрь кунидаги “Амнистия” актига асосан жазодан озод қилинган, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, 2-Оқлон кўчаси, 44-уйда рўйхатда бўлиб, вақтинчалик Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Изза мавзеси, 100-уй, 51-хонадонда истиқомат қилган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2021 йил 16 март кунидан буён қамоқда сақланаётган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

А.Талипов 2020 январь ойнинг ўрталаридан март ойининг ўрталарига қадар ўзганинг мулкани алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан жуда кўп миқдорда қўлга киритиш мақсадида, Тошкент шаҳар, Учтепа



тумани, “Ўрикзор” савдо мажмуасида бўла туриб, шу ерда бўлган танишлари Ш.Касимов ва У.Қосимовнинг ишончига кириб, уларга Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган ҳар-ҳил турдаги иш қўлқопларини олиб келиб беришни ваъда қилиб, улардан 34.000 АҚШ доллари миқдорида пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, берган ваъдасини бажармасдан, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йил 15 январь кунидаги маълумотномасига кўра, 1 АҚШ доллари 9500,54 сўмни, 34.000 АҚШ доллари эса 323,018,360 сўмни ташкил қилган.

Судланувчи А.Талипов, суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2011 йилдан буён Тошкент шаҳар Учтепа туманида жойлашган “Ўрикзор” савдо мажмуасида иш қўлқоплари сотиш билан шуғулланишини, ушбу савдо мажмуасида ўзига тегишли бўлган савдо дўкони борлигини, жабрланувчи У.Қосимов билан 2018 йилда “Ўрикзор” савдо мажмуасида танишганини, бу вақтда У.Қосимов бозорда иш қўлқопларини тарқатиш билан шуғулланганини, шунда У.Қосимов унга биргаликда қўлқоп сотиш билан шуғулланишни таклиф қилганини ва унга сармоя учун 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни берганини, орадан бироз вақт ўтган у ушбу пулларни фойдаси билан кўшиб У.Қосимовга қайтариб берганини, 2019 йил октябрь ойининг ўрталарида У.Қосимов унга 8.000 АҚШ долларини қўлқоп савдоси учун сармоя сифатида берганини, у У.Қосимовдан олган ушбу пулларга катта миқдорда ҳар ҳил турдаги қўлқоп маҳсулотларини сотиб олиб, сотиш учун “Ўрикзор” бозоридаги ўзига тегишли бўлган дўконга олиб келиб сотишни бошлаганини, У.Қосимовга эса икки ой дамида олинган фойда ҳисобида 600 АҚШ доллари берганини, 2019 йил декабрь ойида У.Қосимов унга акаси Ш.Касимовдан пул сўраб туришини ва ушбу пулларни ҳам унга сармоя сифатида беришни таклиф қилганини, у У.Қосимовнинг танклифига рози бўлганини, шунда у Ш.Касимов “Ўрикзор” бозоридаги дўконига чақириб, унга бозорда сотаётган маҳсулотларининг савдосини кўрсатиб, катта миқдорда қўлқоп маҳсулотларини арзон нарҳларда сотиб олиб, бозорда устига пул қўйиб сотса катта миқдорда даромад олишини айтиб, уни қизиқтирганини, шундан сўнг у У.Қосимов билан бирга Ш.Касимов истиқомат қиладиган уйига боришганини ва Ш.Касимов унга ҳар ҳил турдаги қўлқоп савдоси учун 10.000 АҚШ доллари берганини, у ушбу 10.000 АҚШ долларини олганлиги тўғрисида тилхат ёзиб берганини, сўнг у ушбу пулларнинг бир қисмига ҳар ҳил турдаги қўлқон маҳсулотларини сотиб олганини ва қолган қисмига эса сим шётка ҳарид қилиб, ўзининг дўконига сотишни бошлаганини, 2020 йил январь ойида Ш.Касимовга кўрилган фойда ҳисобида 500 АҚШ доллари, февраль ойида 900 АҚШ доллари, март ойи учун эса 300 АҚШ доллари берганини, худди шу кўринишда У.Қосимовга ҳам берганини, шундан сўнг 2020 йил февраль ойида Ш.Касимовга Хитой Халқ Республикасидан катта миқдорда ҳар ҳил



турдаги қўлқоп маҳсулотларини олиб келиб, уларни сотиб, катта миқдорда даромад кўришини айтиб, ундан яна 10.000 АҚШ доллари олганини, ушбу пулларга яна Хитой Халқ Республикасидан қўлқоп маҳсулотларини олиб келиб сотганини, кўрилган фойдани эса ўзининг бошқа қарзларига бериб юборганини, шунинг учун Ш.Касимов ва У.Қосимовга кўрилган фойдадан бера олмаганини, уларга ўзларининг пулларини ҳам бера олмаганини, у шу тариқа У.Қосимов ва Ш.Касимовдан жами бўлиб 34.000 АҚШ доллари миқдорида қарз бўлиб қолганини, дастлабки тергов даврида У.Қосимов етказилган зарар ҳисобида 1000 АҚШ доллари берганини, ҳозирги вақтда У.Қосимовдан 7000 АҚШ доллари, Ш.Касимовдан эса 26.000 АҚШ доллари қарз эканини, ҳозирги кунда унинг ушбу зарарларни қоплашга имконияти йўқлигини, унинг оилавий ва моддий шароити ёмонлигини, суд томонидан унга нисбатан имконият берилса бўлиб-бўлиб қоплашини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканини, содир қилган ҳаракатларининг оқибатларини тушуниб етганини, қарамоғида икки нафар фарзанди борлигини инобатга олиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб кўрсатувлар бериб ўтди.

Судланувчи А.Талипов ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, кўрсатув бериб ўтсада, уни мазкур жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчилар ва гувоҳнинг қуйидаги кўрсатувлари билан ўз тасдиғини топади.

Жумладан, жабрланувчи Ш.Касимов суд мажлисида, у судланувчи А.Талипов билан бирга 2019 йил октябрь ойидан буён Тошкент шаҳар Учтепа туманида жойлашган “Ўрикзор” савдо мажмуасида ҳар ҳил турдаги қўлқоплар сотиш билан шуғулланганини, улар савдо қиладиган ушбу дўкон А.Талиповга тегишли бўлганини, у А.Талиповнинг ушбу дўқонида сотувчи бўлиб ишлаганини, 2019 йил октябрь ойининг охириларида А.Талипов унга қўлқоп маҳсулотларини кўпайтириб, кўпроқ даромад қилишни ва бунинг учун каттароқ миқдорда сармоя тикишни таклиф қилганини, у ушбу таклифга рози бўлиб, ўзига тегишли бўлган “Нексия-3” русумли автомашинасини 8.000 АҚШ долларига сотиб, ушбу пулларни А.Талиповга қўлқоп маҳсулотлари олиб келиш учун берганини, А.Талипов ушбу пулларга қўлқоп ишлаб чиқарувчи тадбиркорлардан арзон нархларда қўлқоп маҳсулотларини сотиб олиб, “Ўрикзор” савдо мажмуасидаги дўқонига олиб келиб, устига пул қўйиб сота бошлаганини, 2020 йил январь ойида укаси У.Қосимов уни ёнига келиб, А.Талипов унга Хитой Халқ Республикасидан катта миқдорда қўлқоп маҳсулотлари олиб келиб Ўзбекистон Республикасида сотса катта миқдорда даромад кўриши мумкинлигини айтиб, бунинг учун катта миқдорда сармоя киритиш кераклигини айтганини маълум қилганини, шунда у укаси У.Қосимов билан А.Талиповни ўзи истиқомат қиладиган уйга таклиф қилганини, 2020 йил февраль ойининг бошларида улар унинг уйига келишганини, шунда у А.Талиповга 10.000 АҚШ доллари берганини, А.Талипов ушбу



пулларни олиб унга пулларни бозорнинг ўзида айлангириб савдо қилишини, март ойида ушбу пулларни фойдаси билан келтириб беришини айтганини, А.Талипов унга 10.000 АҚШ доллари олганлиги тўғрисида тилхат ёзиб берганини, шундан сўнг 2020 йил март ойида у А.Талиповга кўнғироқ қилиб, ундан олган 10.000 АҚШ долларини ва ваъда қилган фойдасини ҳам қўшиб олиб келишини айтганини, лекин А.Талипов пулларни олиб келмасдан ҳар ҳил бахоналар қилиб юрганини, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг у яна А.Талиповнинг ёнига бориб, пулларини сўраган вақтида у ундан олган пулларни Хитой Халқ Республикасига қўлқоп олиб келиш учун бериб юборганини, маҳсулотлари тайёр бўлганини, уларни Хитой Халқ Республикасидан бориб олиб келиш кераклигини, олиб келиш учун яна 10.000 АҚШ доллари кераклигини айтганини, шунда у А.Талиповга яна 10.000 АҚШ доллари бериб юборганини, орадан икки ой вақт ўтгач, А.Талипов ваъда қилган вақтда ҳам маҳсулотлар келмаганини, шундан сўнг А.Талипов укаси У.Қосимов билан унинг уйига келиб, ундан қўлқоп маҳсулотлари Ўзбекистон Республикасига кириб келганини, мамлакатимизда карантин эълон қилинганлиги сабабли божхона постида турганини, уларни олиб кириш учун катта миқдорда пул кераклигини, унга агарда ушбу пулни бериб турса, ундан олган пулларга яна қўшиб катта миқдорда даромад кўришини айтиб, ишонтирганини, шунда у А.Талиповга яна 10.000 АҚШ доллари бериб юборганини, шунда А.Талипов ўзи истиқомат қиладиган Учтепа тумани, Изза мавзеси, 100-уй, 51-хонадонни гаров сифатида қўйишини айтиб, ушбу хонадон турмуш ўртоғи С.Талипованинг номида бўлганлиги сабабли С.Талипованинг номидан тилхат ёздириб берганини, ҳозирги кунга қадар А.Талипов унга етказилган зарар ҳисобида 4000 АҚШ қоплаганини, қолган 26.000 АҚШ долларини А.Талиповдан ундириб беришни ва унга нисбатан қонун доирасида жазо тайинлашни сўраб кўрсатувлар бериб ўтди.

Судда сўроқ қилинган жабрланувчи У.Қосимов, жабрланувчи Ш.Қосимов унинг акаси эканини, у Тошкент шаҳар Учтепа туманида жойлашган “Ўрикзор” савдо мажмуасида ҳар ҳил турдаги қўлқоп маҳсулотларини сотиш билан шуғулланишини, асосан қўлқоп маҳсулотларини ушбу бозорда бўлган дўконларга улгуржи нархда тарқатишини, А.Талиповнинг ҳам дўконига бир нача маротаба қўлқоп маҳсулотини тарқатганини, шу тариқа А.Талипов билан танишиб қолганини, А.Талипов ҳар доим олган маҳсулотларининг пулини вақтида қилиб берганини, у 2018 йил декабр ойида А.Талиповга 2000 АҚШ долларини қўлқоп олиб сотиши учун сармоя сифатида берганини, сўнг А.Талипов унга 2019 йил август ойида ушбу пуллани тўлиқ фойдаси билан қайтариб берганини, 2019 йил ноябрь ўзига тегишли бўлган “Жентра” русумли автомашинасини 9.200 АҚШ долларига сотиб, ушбу пуллардан 8.000 АҚШ долларини А.Талипов сармоя сифатида берганини, сабаби уни А.Талипов катта миқдорда қўлқоп маҳсулотларини олиб келиб, сотиб



катта даромад кўриши ҳақида ишонтирганини, А.Талипов ундан олган ушбу пулларга ўзининг дўконига турли ҳилдаги қўлқоп маҳсулотлари ва сим шўткалар олиб келиб сотишни бошлаганини, 2019 йил декабрь ойида А.Талипов унга агарда ушбу қўлқоп бизнеси учун яна кўпроқ сармоя киритган тақдирда бундан ҳам сердаромад фойда олиш мумкинлиги ҳақида айтганини, шунда у ўзида пули йўқлиги сабабли акаси Ш.Касимовнинг ёнига бориб, унга А.Талиповнинг таклифини айтганини, Ш.Касимов А.Талиповнинг таклифига рози бўлиб, унга ишониб, уни гувоҳлигида А.Талиповга 10.000 АҚШ доллари берганини, А.Талипов Ш.Касимовга ушбу пулларни олганлиги тўғрисида тилхат ёзиб берганини ва ушбу пулларни бир ой муддат ичида фойдаси билан қайтариб беришини ваъда берганини, лекин А.Талипов ваъда қилган муддатида пулларни қайтариб бермаганини, шунда Ш.Касимов А.Талиповни уйига чақириб, ундан пулларини қайтариб беришини сўраганида, А.Талипов ушбу пулларни Хитой Халқ Республикасидан катта миқдорда қўлқоп маҳсулотлари олиб келиш учун бериб юборганини айтганини, бундан ташқари А.Талипов уларга Хитой Халқ Республикасидан маҳсулотлар келганини, уларни Ўзбекистон Республикаси божхона органлидан олиб ўтишда сарфланадиган ҳаражатлар учун яна 10.000 АҚШ доллари миқдоридан пуллар кераклигини айтиб, Ш.Касимовдан яна 10.000 АҚШ доллари бериб туришини, олган ҳамма пулларини маҳсулотлар кириб келиб сотилиши билан фойдасига қўшиб қайтариб беришини айтганини, Ш.Касимов А.Талиповнинг гапларига ишониб унга яна 10.000 АҚШ долларини унинг гувоҳлигида берганини, А.Талипов эса турмуш ўртоғи С.Талипованинг номидан ўзига тегишли бўлган Учтепа тумани, Изза мавзеси, 100-уй, 51-хонадонни гаровга қўйганлиги тўғрисида тилхат берганини, орадан бир қанча вақт ўтганидан сўнг А.Талипов Хитой Халқ Республикасидан маҳсулотлар келганини айтиб, уни “Строй город” савдо мажмуасида жойлашган омборхонага олиб бориб у ерда қўлқоп маҳсулотларини турганини кўрсатганини, шундан сўнг орадан келишилган муддат ўтганида А.Талиповдан олган пулларини қайтариб беришини сўраганида А.Талипов маҳсулотларни сотиб, пулларини қарзлари учун бериб юборганини маълум қилганини, А.Талиповдан пулларини қайтариб беришини яна бир неча бор сўраганида ҳар ҳил баҳоналар қилиб келганини, дастлабки тергов даврида А.Талипов олган пуллари ҳисобида унга 1000 АҚШ доллари қайтариб берганини, ҳозирги кунга келиб А.Талипов унга 7000 АҚШ доллари қарзлигини, А.Талиповдан ушбу пулларни ундириб беришни ва унга нисбатан қонун доирасида жазо тайинлашни сўраб кўрсатувлар бериб ўтди.

Судда сўроқ қилинган гувоҳ О.Абдуназаров, у Тошкент шаҳар Учтепа туманида жойлашган “Ўрикзор” савдо мажмуасида ҳар ҳил турдаги маҳсулотларнинг олди-сотдиси билан шуғулланишини, бундан ташқари Хитой Халқ Республикасидан канстовар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи техник ускуналар олиб келиш билан ҳам шуғулланишини, судланувчи



А.Талиповни бир неча йиллардан бери танишини, 2019 йил ноябрь ойида А.Талипов уни ёнига келиб, ундан Хитой Халқ Республикасидан қўлқоп маҳсулотлари олиб келиб беришини илтимос қилганини, у А.Талиповнинг илтимосига рози бўлганини, шунда А.Талипов 2020 йил январь ойининг ўрталарида унга Хитой Халқ Республикасидан иш қўлқоплари олиб келиб беришини учун 13.000 АҚШ доллари берганини, кейин у пулларни олиб Хитой Халқ Республикасидаги танишларига маҳсулот юбориш учун юборганини, 2020 йил март ойининг ўрталарида Ш.Касимов унинг ёнига келиб, А.Талипов ундан қўлқоп маҳсулотлари учун 13.000 АҚШ доллари олганини ва ушбу Хитойдан келаётган маҳсулотлар унга тегишли эканини айтганини, 2020 йил июнь ойида Хитой Халқ Республикасидан А.Талиповнинг маҳсулотлари Ўзбекистон Республикасига келганини, маҳсулотларнинг пулини А.Талипов берганлиги сабабли маҳсулотларни А.Талиповга топширганини, А.Талипов маҳсулотларни ўзи қабул қилиб олганини айтиб кўрсатувлар бериб ўтди.

Суд, жиноят иши ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95,112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи А.Талиповга мазкур жиноятларни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни суд мажлисига узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаган гувоҳнинг дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатувлари, суд мажлисида, судланувчи ва процесс иштирокчиларининг розилиги билан ўқиб эшиттирилганида, судланувчи томонидан тасдиқланганлиги билан, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларидаги жабрланувчи Ш.Касимов ва У.Қосимовнинг аризаси, ички ишлар органлари ходимларининг билдиргилари, ушланган шахсни кўриқдан ўтказиш, юзлаштириш баённомалари, гумон қилинувчининг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвали, судланувчи А.Талиповнинг жабрланувчидан пул олганлиги тўғрисида, судланувчи А.Талиповнинг турмуш ўртоғи С.Талипованинг гаров тариқасида ўзлари тегишли бўлган Учтепа тумани, Изза мавзеси, 100-уй, 51-хонадонни қўйганлиги тўғрисида ёзиб берган тилхатлари, ашёвий далилни кўздан кечириш баённомаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни жиноят ишига қўшиш тўғрисидаги қарор, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини топади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Талиповнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 3-бандига кўра, фирибгарлик ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки



ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради.

Ушбу қарорни 4-бандига асосан, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.

Фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида кўрсатиши) тааллуқли бўлиши мумкин.

Фирибгарликда жабрланувчини янглиштиришга қаратилган қасддан содир этиладиган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предмети сохталаштириш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдов усуллари қўллаш ва ҳ.к. киради” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, А.Талиповнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди, “Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни қўлга киритиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтиришлар берилган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Суд, судланувчи А.Талиповга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси талабларига риоя қилиб, юқоридаги кўрсатилган Пленум қарорларидаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, А.Талиповнинг оилавий шароитини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканини, қарамоғида икки нафар фарзанди борлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ЖКнинг 56-моддаси талабларига риоя қилиб, мазкур жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини, А.Талиповни шахсини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини, қарамоғида икки нафар фарзанди борлигини, жабрланувчиларга нисбатан етказилган жуда кўп миқдордаги моддий зарар қопланмаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топади.

Шу билан бир қаторда, суд А.Талиповдан жабрланувчи У.Қосимовнинг фойдасига етказилган моддий зарар, яъни 7.000 АҚШ доллари ҳукм чиқарилган кундаги Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан бўлган қийматда, яъни 74.119.080 сўми, жабрланувчи Ш.Касимовнинг фойдасига етказилган моддий зарар, яъни 26.000 АҚШ доллари ҳукм чиқарилган кундаги Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан бўлган қийматда, яъни 275.299.440 сўм ундиришни лозим деб топади.

Бундан ташқари суд, жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона “DVD+R” диски ва жабрланувчи Ш.Касимов тақдим этган уч дона тилхат ва беш дона фотосуратлар жиноят иши ҳужжатларида сақланаётганини инобатга олишни лозим деб топади.

Бундан ташқари суд, жабрланувчи Ш.Касимов ва У.Қосимовнинг судланувчи А.Талиповга нисбатан даъвоси борлигини инобатга олишни лозим деб топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддал арига амал қилиб, суд



ҲУКМ ҚИЛДИ:

Талипов Абдурахмон Кучкарович (Talipov Abdurahmon Kuchkarovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Талипов Абдурахмон Кучкаровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан 8 (саккиз) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияда ўтаттирилсин.

Жазо муддати 2021 йил 16 март кунидан бошлаб ҳисоблансин.

А.Талиповга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Судланувчи А.Талиповдан жабрланувчи У.Қосимовнинг фойдасига етказилган моддий зарар, яъни 7.000 (етти минг) АҚШ доллари ҳукм чиқарилган кундаги Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан бўлган қийматда, яъни 74.119.080 (етмиш тўрт миллион бир юз ўн тўққиз минг саксон) сўм ундирилсин.

Судланувчи А.Талиповдан жабрланувчи Ш.Касимовнинг фойдасига етказилган моддий зарар, яъни 26.000 (йигирма олти минг) АҚШ доллари ҳукм чиқарилган кундаги Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан бўлган қийматда, яъни 275.299.440 (икки юз етмиш беш миллион икки юз тўқсон тўққиз минг тўрт юз қирқ) сўм ундирилсин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона “DVD+R” диски ва жабрланувчи Ш.Касимов тақдим этган уч дона тилхат ва беш дона фотосуратлар жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанциясига шу суд орқали шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

Т.Туракулов

Ҳукм аслига тўғри.

